



**Кредитнинг тўлиқ
қиймати
24 %
(йигирма тўрт)**



**Банк пластик карталари орқали овердрафт кредити тақдим этиш бўйича _____ / _____ / 2022
сонли КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ**

----- / _____

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки, бундан буён шартнома матнида “Банк” деб юритилувчи номидан Низом ва Бош ишончномага асосан ҳаракат қилувчи Банкнинг ----- бошқарувчи ўринбосари-фронт офис бошлиғи ----- бир томондан ва кейинги ўринларда “Қарз олувчи” деб юритилувчи фуқаро ----- (паспорт маълумотлари: -----, ----- йилда ----- томонидан берилган) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилувчилар ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМАДА ҚЎЛЛАНИЛГАН АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

- **Пластик карта** - банк пластик картаси унинг сақловчисига (мижозга) товарлар (иш, хизмат) учун тўловларни амалга оширишда ва (ёки) картани муомалага чиқарган банк билан сақловчи ўртасида тузилган шартномага асосан нақд пул олишда карта ҳисобварағидаги қолдиқ миқдордаги маблағни ишлатиш имкониятини беради.
- **Банк картасининг сақловчиси** - пластик картани муомалага чиқарган банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан банк картасидан фойдаланадиган мижоз ёки унинг ваколатли вакили.
- **Қарз олувчи** - 18 ёшдан юқори бўлган меҳнат қобилиятига эга, лаёқатли, доимий иш жойига ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромад манбаларига эга бўлган жисмоний шахс;
- **Овердрафт** - пластик карта сақловчисига (мижозга) тўловларни амалга ошириш учун 12 ойгача бериладиган қисқа муддатли банк кредити;
- **Овердрафт лимити** - охириги 12 ой давомида олинган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромадларнинг ўртача бир ойлигининг 3 бараваригача, лекин максимал миқдори амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан ошмаслиги лозим;

II. КРЕДИТ МИҚДОРИ ВА КРЕДИТ АЖРАТИШ ШАРТЛАРИ

- 2.1 Банк Қарз олувчига тўловларни амалга оширишда ушбу Шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда овердрафт кредити маблағларини ажратиш мажбуриятини олади, Қарз олувчи эса олинган кредитни Шартномада белгиланган шартларда ва муддатларда, кредитдан фойдаланганлик учун асосий қарз ва фоиз тўловларини тўлаган ҳолда қайтариш мажбуриятини олади.
- 2.2 Алоҳида шартлар: кредит таъминоти ҳужжатлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг кредит ажратилади

III. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 3.1 Пластик карта орқали тақдим этиладиган овердрафт кредити Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, доимий даромадларга, пенсия олувчи нафақахўрларга ва “Ипотека-банк” АТИБ пластик картасидан фойдаланувчи жисмоний шахсларга берилади.
- 3.2 Пластик карталар орқали овердрафт кредити ----- (-----) сўмни ташкил қилади.
- 3.3 Банк томонидан қарз олувчига карта эгасига ажратилган кредит учун фоиз махсулотлар ва хизматлар учун тўлов амалга оширилган кундан бошлаб кунлик ҳисоблаб борилади ҳамда йиллик 24 % қилиб белгиланади.
- 3.4 Қарз олувчига пластик карта орқали ажратиладиган овердрафт кредити 12 ой муддатга ажратилади.
- 3.5 Қарз олувчининг пластик карта ҳисобварағига тушаётган барча маблағлар жарима, пеня, ҳисобланган фоизлар ва асосий қарзни сўндиришга йўналтирилади. Ушбу қарздорликлар мижознинг пластик карта ҳисоб варағига тушадиган ойлик маоши, ҳамда бошқа тушумлар

ҳисобидан сўндирилади.

- 3.6 Ушбу кредит қуйидаги фуқаронинг ----- сум микдоридаги кафиллиги билан таъминланади ----- (----- йилда ----- томонидан берилган) кафиллиги билан таъминланади.
- 3.7 Қарз олувчи пластик карта орқали олган овердрафт кредитни 1-иловадаги жадвал асосида сўндиради.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1 **Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:**
 - 4.1.1. Банк кредит бериш мақсадида ҳамда шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларини қарз олувчидан талаб қилиш.
 - 4.1.2. Банк ажратилган кредит/қарзнинг муддати келган қисмини, шу жумладан фоиз ва неустойкаларни Қарз олувчининг банкларда очилган пластик карта ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ечиб олади.
 - Бундай банк операцияси Қарз олувчини олдиндан огоҳлантиришсиз, тўлов муддати келган санада ва ундан кейинги ҳар қандай санада амалга оширилиши мумкин ҳамда амалга оширилган бу турдаги банк операцияси ҳақида Қарз олувчи алоҳида хабарнома юборилмайди.
 - 4.1.3. Қарз олувчи томонидан кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ тўлов амалга оширилмаса Банк Қарз олувчини пластик карта ҳисобварағини вақтинчалик ёпиш орқали ушбу ҳисоб варақга келиб тушаётган иш ҳақи ва бошқа тушумлар орқали кредитни сўндириш ҳуқуқига эга.
 - 4.1.4. Қарз олувчи кредитни қайтариш графигига риоя этмаганда ва ўз мажбуриятларини бажармаганда, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни кафил ҳисобидан белгиланган тартибда ундириб олиш.
- 4.2 **Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**
 - 4.2.1. Филиал кредит комиссияси томонидан ижобий қарор қабул қилинганидан сўнг 3 банк иш кунида Қарз олувчига кредит бўйича ажратилган маблағларнинг ҳисоб китобини олиб бориш учун ссуда ҳисоб варағи очиш, ҳамда ушбу шартнома шартларига мувофиқ овердрафт кредитини ажратиш.
- 4.3 **Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**
 - 4.3.1. Мазкур шартномада кўрсатилган шартларда, микдор ва муддатларда пластик карта орқали овердрафт кредити олиш.
 - 4.3.2. Ушбу кредитдан фойдаланиш бўйича Банкдан ахборот олиш.
 - 4.3.3. Қарз олувчи мазкур Шартнома бўйича қарздорликни муддатидан олдин сўндириш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда Қарз олувчи фақат кредитдан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун фоизлар тўлайди.
- 4.4 **Қарз олувчининг мажбуриятлари:**
 - 4.4.1. Барча иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган маблағларини Банкда очилган пластик картага ўтказиш;
 - - пенсия олувчи нафақахўрлар кредит тўлиқ сўндирилгунга қадар пенсия тўловларини Банкда очилган пластик картага ўтказиш;
 - 4.4.2. Кредит бўйича муддати ўтган қарздорлик тўғрисида хабар олинган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш кунида қарздорликни Банкка тўлиқ тўлаб бериш;
 - 4.4.3. Ажратилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ойлик иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобидан ёки зарур бўлганда пластик картага нақд шаклда пул маблағлари қўйиш йўли билан сўндириш.
 - 4.4.4. Меҳнат шартномаси бекор бўлганда Қарз олувчи ссуда қарздорлиги ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин сўндириш мажбуриятини олади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ушбу шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.
- 5.2. Асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда (муддати ўтган кредитга), Қарз олувчи Банкка бутун кечиктирилган давр учун шартномада белгиланган фоизнинг 1,5 баравари микдорида юқори фоиз тўлайди.
- 5.3. Фоизларни белгиланган муддатда тўламаганлиги учун Қарз олувчи Банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи микдорида, аммо

кечиктирилган тўлов суммасининг 15 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

- 5.4. Овердрафт кредит карта эгаси ўз вақтида қарзини тўламаган ҳолда кафиллик шартномасига (кафиллик хатига) асосан ушбу қарз кафил ташкилотдан ёки кафил жисмоний шахсдан ундирилади.
- 5.5. Кредит қарздорликлари сўндирилишида қуйидаги тартибга қатъий риоя этилиши шарт:
 - а) Кредит бўйича ҳисобланган муддати ўтган фоиз ва пенялар;
 - б) Муддати ўтган кредит қарздорлиги;
 - в) Кредит бўйича ҳисобланган (шартномага асосан ундириш муддати келмаган) фоиз бўйича қарздорликлари;
 - г) Кредит бўйича жорий қарздорлик;
 - д) Кредит бўйича бошқа қарздорликлар.
- 5.6. Кредит муаммоли активга айланган тақдирда, кредитни ундириш юзасидан банк чиқимлари (суд, почта харажатлари ва бошқалар) биринчи навбатда ундирилади.

VI. ЎЗARO НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 6.1. Томонлар ушбу Шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган ва келиб чиққан келишмовчилик ва низоларни музокара ва маслаҳатлар йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиладилар.
- 6.2. Томонлар келишувга эришмаган тақдирда низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

- 7.1. Шартнома тузилганидан сўнг томонлар шартнома шартлари билан кўзда тутилмаган фавқулодда ҳолатлар юз берганида Шартнома шартларини бажаришдан озод бўлиши мумкин. Бунга қуйидагилар киради: сув тошқини, ёнғин, ер силкиниши, шунингдек уруш ва уруш ҳаракатлари ҳамда шу каби томонлар ақл идроки билан бошқариб бўлмайдиган ҳолатлар.
- 7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган ҳолатлар бўйича ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг тегишли органларида расмийлаштириш лозим.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 8.1. Ушбу Шартномани томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунгача амал қилади.
- 8.2. Ушбу Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда, томонлар имзолаган қўшимча келишув асосида расмийлаштирилиб, Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.
- 8.3. Ушбу Шартнома томонлардан ҳар бири учун, бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилган.
- 8.4. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Банк:		
Манзил:		телефон (факс):
х/р:	ИНН:	МФО:
Филиал бошқарувчи		
ўринбосари-фронт офис бошлиғи _____		

Қарз олувчи:	
Паспорт маълумотлари: томонидан берилган	
Манзил:	телефон:

Ушбу шартномани ўқиб чиқдим, ушбу шартноманинг сўзлари, бўлимлари ва бандларининг маъноси, мазмуни ва аҳамияти менга тушунарли, шу муносабат билан ушбу шартномани имзолайман ва унинг шартларини ва унда ўзимга юклатилган мажбуриятларни сўзсиз ижро этиш учун қабул қиламан.

(Қарз олувчининг Ф.И.Ш. тўлиқ, ўз қўли билан ёзилади) (имзо)